Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги 2022 йил 9 ойлик

ҲИСОБОТ

I. Умумий маълумот

Давлат экология қўмитаси раисининг 2022 йил 16 сентябрдаги 149-х-с-сонли буйруғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси иш фаолияти юзасидан келиб тушган мурожаатни ўрганиш мақсадида Ишчи гуруҳ тузилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида 2022 йил июн ойида ўтказилган "Ёпиқ аукцион" натижалари ўрганилди.

II. Кўриб чиқиш натижалари

Ўрганиш давомида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори 1-иловаси "Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом"ни амалиётда қўллашда бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

III. Минималлаштириш чоралари

Коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида аниқланган хато ва камчиликлар бўйича маълумотнома ва унга тегишли бошқа ҳужжатлар нусхаси ҳуқуқий баҳо бериш учун Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига тақдим этилди.

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи **Б.Урунов**